

Нажошийнинг мусулмон бўлиши



19:02 / 08.02.2020 3620

Нубувватнинг 6-йили Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоху анху раҳбарлигида яна бир гуруҳ (100-102 нафар) саҳобалар Ҳабашистонга хижрат қилдилар.

Мусулмонлар эришган бу ҳолат уларнинг ашаддий душманлари бўлмиш Қурайш кофирларини бефарқ қолдириши мумкин эмас эди, чора сифатида муҳожирларнинг ортидан Нажошийга бир мактуб, ҳадялар ва элчиларни юбориб, уларни қайтариб беришини талаб қилишди. Нажоший эса мусулмонларнинг ўзларини ҳимоя қилиш учун гапирган сўзларини ҳам тинглаб кўриб, уларнинг ҳақ соҳиблари эканларига қаноат қилди ва уларни қайтариб беришдан бош тортди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Исломга чақириб хат ёзган эдилар, у мусулмон бўлди.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан